

К.М. Наманган

# НУКУС ШАҲРИ—60 ЁШДА

18 декабрь кун Қорақалпоғистон пойтахти — Нукусда шаҳарнинг 60 йиллиги муносабати билан таътаналар бошланди. 1932 йилда ҳукуматнинг махсус қарори билан Нукусга Ушай пайтда РСФСР тарихидаги Қорақалпоғистон муҳторият республикасининг маъмурий маркази мақоми берилган эди. Утган йиллар давомида ҳозирги Қорақалпоғистон Республикасининг пойтахти йиллик саноат ва маданият марказига айланди. Бу ерда 220 мингдан кўпроқ аҳоли истиқомат қилади.

Шаҳар ўз юбилейини чиройига чирой қўшган ҳолда кутуб олди. Нукус кўчалари байрамона безатилган. Шаҳарда байрам таътаналари отқошарда республика пойтахти меҳнат жамоалари вакиллари тушган автокортонларнинг ўттиши билан бошланди. Санъат усталари ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Бу шонли санага махсус ташкирланган «Нукус ҳақида қўшиқ» театрдатирилган томоша ҳам намойиш этилди.

Нукуснинг 60 йиллигига бағишланган митингга сўзга чиққан Қорақалпоғистон Республикасининг Олий Кенгашининг раиси У. Аширбеков шаҳар аҳлини байрам билан мубаракбод этди.

19 декабрь кун Нукусга Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов келди. Ислам Каримов шаҳарнинг диққатга сазовор жойларида, Туркия билан ҳамкорликда қурилган кўча корхонада бўлди.

Бердах номли театрда Нукуснинг 60 йиллигига бағишланган таътанали йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишни Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси У. Аширбеков оқди. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов йиғилишда нутқ сўзлади.

Ўзбекистон ва маданият қурилиш соҳасида эришган муваффақиятлари, намунали ободончилик ишлари ҳамда таълим этилиганига 60 йил тўлиши муносабати билан Нукус шаҳри Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиги билан муқофотланган эди. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислам Каримов бу Фахрий ёрлиқни таълимчи ва маданият қурилиш соҳасидаги хизматлари ҳамда жамоат турмушидаги фаол иштироки учун бир гуруҳ нукусликларга Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонларини ҳамда фахрий ёрлиқларини тоширди.

Нукус шаҳрининг 60 йиллик таътаналарида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси Ш. М. Ёлдошев, Олий Кенгаш Раисининг ўринбосари Б. И. Бугров, Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Вазирлар маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Х. Жўрабеков, ҳокимлар бошчилигидаги республика барча вилоятлари делегатлари иштирок этдилар.

Нукус шаҳрининг 60 йиллик таътаналарида Тошкент шаҳар Ҳокими А. И. Фозилбеков бошчилигидаги шаҳар делегацияси ҳам иштирок этди.



Газета 1966 йил 1 июлдан чўқа бошлаган

# ТОШКЕНТ ОНШИОМИ

Иқтисодий-сиёсий шаҳар газетаси

№ 250 (8-й. 192) 1992 йил 21 декабрь, душанба Нархи 3 сўм

## Собир Раҳимов райони

### Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

1992 йилга яқин асалинига ҳам саноқли кулар қолди. Ҳар бир соҳага ўзининг жиддий таъсирини ўтказган бозор иқтисодиёти муносабатларида ишбилармонлар, тадбиркорлар марраи бўлган бой бермактлар. Буга Оқунобоев номли Тошкент бош кийимлар фабрикаси инсолида ишчи ҳосил қилиш мумкин.

## ТАДБИРКОРЛИК ЯХШИ-ДА!

○ Шавкат Мажидов, бичувчи:  
— Бир қақча ҳам ишмига тўхтаб қолгани йўқ. Хом-ашён ўз вақтида олиб турганини натижасида режаларимиз ҳам доимо бажарилиб турибди. Яна 3—4 ойга етаридан қўшмача хом-ашмиз бор.

○ Зуҳра Раймоқунова, 1-дех устаси:  
— Ишчиларимиз ўртача 7—8 минг сўм маош оlishди. Ишлаш учун шарт, кўриб турганингиздек ёмон эмас. Катталар ва болалар бош кийимларини чиқаряпмиз.

○ Турсуной ая Шарипова, ишчи:  
— Ингирма йилдан ортқ шу фабрикада ишлайман. Корхонада йилдан-йилга ишчилар эҳтиёж-маҳсулотларига кўпроқ эътибор қаратилиб, уларнинг самарали меҳнат қилишлари учун лозим бўлган кулайликлар яратилиб келинпти. Маошларимиз ёмон эмас. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳам олиб келиниб арзон нархда ишчиларга сотилмоқда. Новвоёхона, ошхона ишлаб турибди. Дам олиш хоналаримиз яхши жиҳозланган.

Дарҳақиқат, қаерда ишчилар учун етарли шарт-шароит яратилса, меҳнат унумдорлиги юқори бўлади. Шунинг учун ҳам фабрика аҳли 11 ойлик режаларини 117,8 фоизга уддалашган. Яъни, 116 миллион ўрнига 136 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган.



Талабалар шаҳарчаси... Бу ерда республиканинг шунингдек, ер юзининг турли бурчақларидан илмининг игна билан қудуқ қазиниб маънавий оламга кириб бормоқ иштиникида таъриф буюрган ёшлар ўқувчилар, истиқомат қилдилар. Унинг кўчалари доимо ҳам маънавий, ҳам жисмоний камолот сари интилаётган юрагида ўти, қалбида ватан ҳисси жўш уриб турганлар билан тўла. Ватанимиз келажиги ҳам, шах-шубҳасиз, айнан шунлар — ёшлар қўлида.

ТОШКЕНТ Давлат университети Ёшлар Иттифоқи комитети қoшида бешта талаба кичик корхоналари фаолият кўрсатишмоқда. Булар Ёшлар техника марказининг «Консольда», «Кристалл» кичик корхоналари, «Люкс» талабалар биржаси, ёшлар иқодий бирлашмасининг «Маятник»

қандай ихтироларни амалда синаб кўриш ҳамда талабаларнинг илмий гоғларини ривожлантириш билан шуғулланади. Келажатда фойда кўтилганда ортқ Кичик корхона тушадиган маблагнинг ҳар беш фоизини университет Ёшлар Иттифоқи комитетига ўтказмоқда. Бундан ташқари талабалар ора-

сининг тузилиши физика факультети деканати билан талабалар ўқрасидаги алоқасининг жуда яхши эканлигини далил қилиб беради.

«Кристалл» кичик корхонасига факультет Ёшлар Иттифоқи қўмитасининг котиби одиқ Тошматов раҳбарлик қилади. Унинг ташаббуси билан тузилган корхона кундан-кунга кенгаймоқда. Ёшларнинг ишга жал қилини, иқтисодий талабаларнинг илмий гоғларини ривожлантиришда бундай кичик корхоналар жуда қўл келади.

Айни кунларда «Кристалл» янги шартномалар тузиш устида иш олиб бормоқда. «Люкс» кичик корхона, корхонанинг эндиликда ўз буюртмачилари ҳам бор. Улар сивондан ўтган гоғларини шу буюртмачиларга сотадилар.

Университет Ёшлар Иттифоқи комитети ҳам ўз навбатида «Кристалл» корхонасини ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Уларнинг мақсади келажакда бу корхона янада кенгайтириб, талабаларнинг илмий иқодий марказига айлантириш, фақатгина университет миқёсида эмас, республикамиздаги бошқа олий ўқув юрталари билан ҳам мустақам алоқалар ўрнатишдан иборатдир.

Назира СОДИҚОВА.

## \* Олий ўқув юрталарида ТАЛАБАЛАРНИНГ ҲОЯЛАРИ АСОСИДА

кичик корхоналаридир. Талабалар ташаббуси билан тузилган бу корхоналар нисбатан қисқа муддат ичда яхши самара бера бошлади. Айниқса «Кристалл» корхонасининг фаолияти диққатга молик.

Физика факультети Ёшлар Иттифоқи қoшида ташкил этилган бу кичик корхонанинг фаолият кўрсата бошлаганига бир йил бўлди. Шундан ичда ў факультетда қoшарча университет доимий рақсиди бир мунча ишларни амалда оширди. Корхона асосан илмий тадқиқотлар бўйича шартномалар тузиш, компьютерлаштириш, ҳар

сида маданият ишларини ривожлантириш, жумладан концерт томошаларини ташкил этиш ҳам факультет тажрибасига маълум даражада фойда келтирмоқда. Бу кичик корхонанинг энг ахамиятли томони шундаки, биринчидан бу ерда талаба тарсдан кейин ишлайди, иккинчидан гоёси учун пул олади ва ўша гоёни амалда шу ерда синаб кўради, фойдали иш билан банд бўлиб таърибасини оширади. Бу янги келажиги учун нечоғли зарур эканлигини эса татқиқлаб ўтишга ҳожат бўлмаса керак.

«Кристалл» кичик корхона-



Аҳоли орасида халқ истеъмол молларига бўлган талаб, айниқса, бугунги кунда тобора ошиб бораётганини сир эмас. Турли-туман ширкатлар, фойдаланиш кетидан кетгани олий мақсад қилиб олган асарият кичик корхоналарда ишлаб чиқарилаётган молларнинг сифати эса қўнғилдагидек эмас. Шундай оғларда беҳиттёр узон йилларда бўён ўз маҳсулотларини билан харидорлар хуриятига сазовор бўлиб келатган йиллик корхоналарини ёдга олсангиз киши, Булардан бирини Тошкентдаги «Шарк» тери-лояабзал ишлаб чиқарши бирлашмасидир. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулар, турли ёшдагиларга мўлжалланган ранг-баранг чарм сумкалар сифатлидиги, қўлайлиги билан бошқа рақобатдош корхоналар маҳсулотларидан ажралаб туради. Бундай муваффақиятларда, албатта, меҳнат жамоасининг ҳалол меҳнати, ўз ишига бўлган муҳаббатини, корхона раҳбарияти томонидан ишчи-хизматчиларга яратилаётган зарур шарт-шароитлар муҳим роль ўйнамоқда.

СУРАТЛАРДА: бичувчи Маҳмуд Ҳошимов мазкур корхонада 1978 йилдан бундан меҳнат қилади ва мана шу даргоҳда ўтказилган 18 йил давомида ўз касбининг моҳир устаси бўлиб етишти; сумкалар тикиш ҳеҳида иш қилгани; бирлашмада тайёрланган лийи сумкалардан намуналар.

Андрей Пинненко сураглари.

## ЧИННИСОЗЛАР ЮТУҒИ

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ йиллик ишлаб чиқариш корхоналаридан бири ҳисобланмиши Тошкент чинни заводи йил саноини кенгайтири, унда чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ахшиланмиши билан бирга турларини ҳам ошиб борапти. Фақатгина сунгги икки йил давомида бу корхонада «Анор гулли», «Чой гулли», «Гулноза», «Нозанин», «Тонга», «Мавраида» каби ўнлаб янги турдаги чойнак, пива, лаган, вазе ва бошқа чинни буюмлар ишлаб чиқарилимоқда. Бу буюмлар ўзининг бежиримлиги билан харидорларнинг диққатини тортади.

мажмуини сотиб олди. Ҳозир таъмирлаш ишлари олиб бoриляпти. Уни «Чиннибод» дам олиш ва соғломлаштириш комплекси қилиб ишга туширсак ишчиларимиз яна бир кулайлик билан баҳраманд бўлишадимиз, — дейди завод касаб уюшмасининг раиси Эҳсон Орплов. Яна бир нувоначисик, моё айирбешлаш усули билан турли хил ноёб маҳсулотларни олиб келиб ишчиларимизга сотишим йўлга қўйди.

Кўриниб турибдики, чинни-созлар ютуғи чекин эмас. Ҳозир завод ишчиларининг ўртача маоши 4590 сўмни ташкил этади. 1-й тайёрлаш ҳеҳида ишловчилар 5500—6500 сўмга маош олмақда. Энг муҳими, ишчилар кайфияти ёмон эмас.

Чиннисозлар барча имкониятларни ишга солишиб, юқори сифатли, гўзал наҳшикор маҳсулотлар ишлаб чиқариш-ни сусайтмайдилар, деб ўйлаймиз. Негаки, чинни буюмларга бўлган талаб ҳаминча юқори.

Эркин ЭСМРАДИЕВ.

## А Ж О Й И Б А Н Ъ А Н А

Заводада кўним билан 20 йил ишлаган аёллар 25 йил ишлаган эркеклар учун «Оқ олтин» чиннилар термасини бепул соға қилиш ажойиб анианага айланган.

кўримайдим. Ушбу терма бир неча бор халқро кўргазмаларда голиб деб топилган. Бу албатта корхона маъмуриятининг ишчиларга кўрсатаётган катта ғамхўрлигидир.

Яқинда бу муқофот лой тайёрлаш ҳеҳининг ишчиси Халим Мирзиёев билан сара-ловчи Мастура Мухаммаджоноваларга топширилди. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳозиргача заводнинг юзлаб ишчилари бу ноёб чинни термаси билан муқофотланган.

## ШОИРАГА БАҒИШЛАБ

Шу кунларда шаҳримиздаги ўқув масканлари, корхона ва ташкилотларда мунот адабиётнинг йиллик намоиядларидан бири Моҳларойим Нодиранин 200 йиллик тўғига бағишланган тадбирлар уюштирилмоқда. Кунин кеча Собир

Раҳимов райондаги 10-хунартўғида билим юртида ҳам касба уюшмаси ташкилотлари ва адабиёт ўқитувчилари ташаббуси билан шу санага бағишлаб кеча ўтказилди. Бўйғуси сартарош, ошпаз, қандолатчилар Нодиранин гў-



Шуҳрат ЗОКИРОВ.

## Бугунги кун нафаси

### РЕСПУБЛИКАМИЗДА

○ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Фармониға биноан Беғижон Раҳмонов Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги давлат Назорат комитети раисининг ўринбосари — республикада иқтисодий ислохотни амалга ошириш масалаларига доир қарорлар бажарилишини назорат қилиши республика жамоат комиссиясининг раиси этиб тайинланди.

○ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Фармониға биноан Ўзбекистон Республикаси мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигини тизими ҳамда «Узсувқурилиш» давлат концерни ҳодимларидан бир гуруҳига Ўзбекистон Республикасининг Фахрий унвонлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Фахрий Ёрлиқлари берилди.

○ Ўзбекистон шифокорлари Германиянинг «Хейст» фирмаси билан олти ярим миллион долларлик доридармон сотиб олиш учун битим туздилар. Маълумки, Тошкентда бир йил олдин шу фирманинг ваколатхонаси очилган эди.

○ Янгиқурув районидagi Исковат қўрғонда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган завод фойдаланишга топширилди. Бу Наманган вилоятидаги давлат тасаруфиде бўлмаган биринчи корхона ҳисобланади. Завод «Олтин водий» концернига қарашли бўлиб, бу концерн ўз маҳсулотларини нафақат республикамизда, балки коржий элларда ҳам сотишни мўлжалламоқда.

○ Магиллонлик хўнамандлар ўзлари ясаган маҳсулотларини ўз бозорига сотадиган бўлишди. Гап шундаки шаҳар ҳокими Гуровал мезебдаги ота-боболаримиздан қолган эски бозорни йиқитишга киришди. Эндиликда хўнамандлар бу ерда ўз устаконаларини очиб тайёрлаган маҳсулотларини сотишга қўйишад.

○ Денов ёғ-экстракция заводи жамоаси ўзининг асосий касби — чигит мой тайёрлашдан ташқари Шарк ширинликларини ҳам ишлаб чиқера бошлади. Тошкентдаги «Ўртоқ» қандолатчилик фабрикасида иш ўрганиб келган ёшлар бу ерда ширинликлар тайёрлашга киришдилар.

### ҲАМДЎСЛИКДА

○ Россия Олий Кенгаши нон масаласи билан шуғулланди. Биринчи ўқишда ноннинг нарҳини тартибга солиш тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Ҳозирча бу масала давлат назоратида бўлади. Расмий ва номийларий харид нарҳлари ўртасидаги тафовутларни давлат назорати қўллаб қарши олиши қарор қилинди. Бу масалаларга 150—200 миқдонда сўм талаб этилади.

○ Мелитополь Олимтоғга қараб учган махсус рейсдаги самолёт ичда Россия ҳукумат делегацияси бор эди. Делегациянинг баш вазир В. Черномырдин бошчилиқ қилмоқда. Россия баш вазир Нурсултон Назарбоев билан учрашмиш мўлжалланган эди.

○ Янги йил олдинда бундай «совганин афтидан ҳеч ким кутмаган бўлса керак. «Волга» машиналарининг нархи яна қимматлашди. Ҳар бир автохаваскорнинг ораузи бўлган ГАЗ—31029 машинасининг белгиланган энг кейинги нарҳи 3 миллион 600 минг сўм бўлди. «Машинанинг янги эркин нарҳи ролпа-роса 5 миллион сўмдир», деди «ГАЗ» бирлашмаси баш директорининг ўринбосари В. Малгини.

○ Киев шаҳрида мойлар рўйхат бўйича сотила бошланди. Бундай рўйхат ҳар бир мезебларда тузилади ва уни тарқатиш меъбири оғига ярим килограммин ташкил этади.

### ХОРИЖДА

○ Эстония баш вазирини М. Лааринг сўзларига қараганда Эстониянинг давлат газаси бўшоб қолган. Давлат бюджетининг каммомади декабрь ойида 61,9 миллион кронни ташкил этади.

○ АКШнинг янги сайланган Президенти Б. Клинтон Арканзас штатида ўтказилган матбуот конференциясида сўзга чиқиб «Россиядаги вазият мен учун жуда муҳим муаммо ҳисобланади ва мен Россиянинг тўғри йўналишидаги ҳаракатини қўллаб-қувватлаш учун қўлимдан ниманики келса ҳаммасини қилмаюм, деб айтди.

○ Саудан Хусайнини ағдартиш мақсадида фитнада айбланган Ироқнинг республика тавардиси зобитларидан бир гуруҳи отиб ташланди. Тезроқ рақисни тарқатган хабарда ана шу ҳақда маълум қилинади.

○ Лотин Америкасида ОИСҲ вирусини тарқатувчилар бир миллиондан ортқ киши ҳисобланади. Буноса-Айрсадаги Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маҳаллий бўлими ана шу ҳақда хабар берди.

## БИЛИМ ЮРТЛАРИ ЎРИНДА

ХўНАР-техника таълими тизимини такомиллаштириш йўлида қуриладиган матърий тадбирлар яхши натижалар бермоқда. Билим юрталарини ихтисослашган лицей ўқув даргоҳларига айлантириш борисида амалга оширилган илгилчилар ҳам диққатга сазовордир. Жумладан, пойтахтдаги 33-хўнар-техника билим юрти самолётсозлик ихтисослиги бўйича ёшларга таълим ва амалий қўлимга берадиган лицей сифатида фаолият кўрсатишмоқда.

Айни бир вақтда қатор билим юрталари лицей таъриб-ба-намуна ўқув режалари билан умумлаштирилган 2-







Мавлудим, томорқада етиштирилган экин турлари ичда бодринг ўзининг ҳосилдорлиги, дармондорилиги билан алоҳида ажратиб туради. Бодрингнинг хонадонингиздаги мўъжизаси теплицаларда қишда ҳам етиштириш мумкин.

— Аввало шунинг айтмоқчиманки, бодринг уруғлари собақ Итифок республикаларидан сотиб олинганга, ҳозирги иқтисодий вақтда бодрингнинг қишда ҳам етиштириш мумкин.

**\* Фан-ишлаб чиқаришга ДУРАГАЙ БОДРИНГ НАВЛАРИ**

экин мумкин эмас. Чунки уларнинг баҳчи навлари кўп бўлиб, чиллиш учун бир мунча кўпроқ ҳарajat талаб этилади.

Мана, ўн йилдирки, тажриба станциясида юқорида айтиб ўтилган камчиликлардан ҳоли бўлган навларни яратиш устида, иш олиб боришмоқда. Мазкур «Наваҳор» дургай навалининг хусусиятлари: ҳосили калта, юзаси силлиқ, текис, тўқ ақил рангда. Бир квадрат метрга 10—12 килограммдан тўри келади.

Бу нави экин ҳўжаликлари га ҳам, хонадонга ҳам катта иқтисодий фойда келтиради. Чунки қиш ва баҳор ойларида майда ва силлиқ бодринглар катта ва гадир-будирларига нисбатан анча қимматга сотилади. Бундан ташқари ҳар гектardan 150 мингдан 170 минг сўмгача соф даромад олиш мумкин.

Дургай навлар уруғлари бирмунча қимматроқ бўлиши билан бирга ҳосили ўзидан уруғ бермайди. Демак, уруғини ҳар йили четштириш йўли билан олинади. Бу эса анча қимматга тушади. Бу йил давлат нав синаш комиссиясига синаш учун топширилган янги «Серсу» деб аталган нави экин эса ана шу муаммони бирмунча ҳал қилди.

Музаффар ТУРОВОВ экин олди.

**\* Шифобахи неъматлар**

**ЖИЙДА**

ЖИЙДА республикамизнинг деярли ҳамма вилоятларида учрайди. Бўйи 3-8 метргача етadиган қизил-кўнгир пўстлоқ билан қопланган бу дарaxнинг ёш новдалари ва барги қумуш оқ рангли бўлади. Гуллари хушбўй, сариқ, 1-3 тадан барг қўлтигига жойлашган. Меваси — сариқ, чўзиқ-ду-малоқ данакли.

Жийда май ойида гуллайди, меваси сентябрь-октябрда пилиди. Меваси пишган вақтда қониб олинади, очинг ерда қуритилади. Мева таркибиде кўп миқдорда қандлар, ошловчи моддалар, органик кислоталар ва бошқа бирикмалар бор. Халқ табобатида жийда меваси ёки унинг қайнатмаси меъда-ичак касалликлариде, юқори нафас йўллари шомоллаганда тавсия этилади.

Жийдадан қайнатма тайёрлаш учун бирор оғзи ёниқ идишга бир ярим литр сув қуйиб, мевадан 50 грамм солинадиган ва бироз қайнатиб, бир соат қўйиб қўйилади. Сўнгра доқада сузилади. Қайнатмадан кунинга овқатдан кейин 2-4 маҳал 2 ош қошиқдан ичилади. Қўриб турибсизки, томорқанингизга 1-2 туп жийда ниҳолдан эксангиз фойдадан ҳоли эмас.

**Эрин шудгорлаш**

ЕРИИ кузда шудгорлаб қўйиш мўл ҳосил гарови эканлигини унутмаслигимиз зарур. Кузги чўқур шудгорлаш зараркунданларни қиришда жуда муҳим. Аниқланишча, кузда ҳайдалмаган ерда тунамларнинг гўмбаклари ҳайдалган ерга нисбатан яхши сақланади. Шудгорлаш натижасида кўп хашаротлар механик таъсирга учраб нобуд бўлади, кўпларини қушлар териб ейди. Ерининг юза қисмидаги барча ўсимлик қолдиқлари, бегона ўтларнинг уруғлари, касаллик тарқатувчи микроорганизмлар ерининг чўқур қисмида қолиб, нобуд бўлади.

Маҳаллий ва минерал ўғитлардан тўри фойдаланиш ўсимликларнинг ривожини кучайтириб, уларнинг зараркунданга ва касалликларга чидамликни оширади. Ери шудгорлашдан аввал гўнг сочиб юборилса яхши самара беради. Чунки гўнг тўлиқ ўғит бўлиб, унда ўсимликлар учун зарур бўлган озмиқ микроэлементлар мавжуд. Органик ва минерал ўғитлар 30—40 сантиметр чўқурга солинган мазкур.

**Уруғлик картошкани қандай сақлаш керак?**

ҲОСИЛ уруғдан бошланади, дейишди. Шундай экан картошкани юқори ҳосил олмақчи бўлсангиз уруғликни сақлашга алоҳида эътибор бериш. Аввало хонанинг шариқорти яхши бўлиши зарур. Қишнинг совуқ кунлариде ҳароратини бир хил ушлашга эътибор қаратилади. Хона ёки ертўла ўта қоронгу, қуёш нури кўп тушадиган ойнаванд бўлиши мақсадга мувофиқ эмас. Чунки қоронгу жойда уруғликлар тезда униб, ниши нимжон бўлиб қолади. Қуёш тини кўп тушадиган хоналарда эса ҳароратини бир хил ушлаб бўлмайди. Натижада бу ҳол картошкани ундириб олиш ва сақлашга салбий таъсир кўрсатади.

**Токзорлардаги юмушлар**

ҲОСИЛГА кирган токни кесиб отакчи шохдан бошланади. Ён томога ўнган новдалар отакчи шохга этилади.



Улкамизнинг неъматлари дастурхонимизнинг ҳақиқий кўркидир.

**Ҳосилга эрта киради**

ЭРТА баҳорда сабзи, пивз, укроп каби экинлардан ҳосил олмақчи бўлсангиз ҳозирги кунда уларнинг уруғини сепиш керак. Бунинг учун ер чўқур қилиб шудгорланади. Эгатель олинган, яхшилаб тирмалиб, катта кесаклар майдаланади. Шундан сўнг уруғини сепиш мумкин. Масалан, пивз уруғи гектарига 18—20 килограмм, сабзи эса 6 килограммдан ошмаслиги кераклигини унутмаслик лозим.

Шунинг ҳам айтиш зарурки, ҳар бир экин уруғини сепишдан олдин унинг униб чиқиш қобилиятини, уруғларини экин нормаларини белгилаш талаб этилади. Бу эса тўлиқ кўчат бўлишини таъминлайди. Уруғларни сепгандан сўнг устидан 2—3 сантиметр қатқинликда чиринди солиш ҳам уруғларини тўла ундириб олишга ёрдам беради. Гап шундаки, чиринди ёки қипиқ нам сақлайди, қатқалоққа йўл қўймайди, ўсимлик ердан бақувват бўлиб чиқади.

Декабрь — январь ойларида эгатель обдон ёмғир ва қор сувларига тўйинган, устига полэтилен плёнкаларини ёпилади. Бу эса сабзи ёки кўчатларнинг ўсувини тезлаштиради.

**Яхоб суви**

ОЛИБ борилган кузатишларга қараганда, 1 килограмм куруқ тупроқ таркибиде хлор тузи 0,02 фоиздан ошиб кетса, мева дарaxларининг новдалари ва кейинчалик каттероқ шохлари кучли захарланади ва совуқлар таъсириде қурийд. Бундай ҳолда дарaxт барглари олдинроқ сарғайиб сентябрь, октябрь ойларига етмасдан қўриқиб кетеди. Эрта барги тўқилган дарaxлар кўп яшайди қуриб қолади.

Шафтоли қўчатлари доимий ерга экилганда ер қатламларида ўсимликка зарарли бўлган хлор нормадан қисман ошқ бўлса, улар кўп вақт ўтмай қуриб қолади. Бошқа мева қўчатлари ҳам шўр босган ерларда узок вақт яшайди. Шунинг учун

**Қуён боқмоқчи бўлсангиз...**

ҚУЁННИ отти хазинанинг бири, дейишди. Ҳақиқатан ҳам шундай. Кейинги пайтда қуён боқувчилар тобора кўпайиб борапти. Шунинг диққатига сазоворки, бу беозор жониворлар томорқадан чиққан бегона ўтлар, турли хил қўчатлар, экинларнинг барглари, пучоқлар, сабзавот чиқиндилари билан озмиқланади. Ойнала катта иқтисодий фойда келтирди.

Одатда қуёнлар очик ҳавода ва ёниқ хоналарда боқилади. Дастлаб катта қуёнларини ўлчамли 100х55х50 сантиметр бўлган алоҳида қабасларга жойлаштирилади. Қабас ичи овқат ва суя бериладиган боқиш ҳамда ин бўлимларига ажратилади. Иннинг поли ёғочдан бўлиши керак, девор иссиқ материалдан, томи эса икки қават бўлиб, орасига иситги материал қўйиб тайёрланади.

Боқиш бўлимининг (60—65 сантиметр) поли металл тўрдан қилинади. Ёш қуёнларга ўлчамли 200х100х50 сантиметрли қабас қурилади. Қабасда икки бўлимга жиҳозланади, яъни сайр қилиш ва яширинадиган жойлар. Пол ҳамма жойда тўрдан қилинади. Қабасларда личин, сабзавот, минерал озик учун озуқачилар ва чиклар бўлиши керак. Пичан ва кўк озик учун учбурчак панжара шаклида озуқачилар қилиш мумкин. Озик-овқатдан иккала бўлимга бараварига фойдаланади.

Қуёхонада ҳарорат 16 даражадан паст бўлмаслиги зарур. Бунинг учун кўп ярусли батареялардан оқилона фойдаланиш даркор. Қуённинг 17 соати ёруғлик билан таъминланади.

**Улкан ёғоқ**

ҲИНД океанида, Мадагаскар оролининг шимоли-шарқий томонида жойлашган Сейшал ороллари кундан-кунга кесими 36 сантиметр, узунлиги 50 сантиметр, айланмаси бир метр келадиган баҳзибот ёғоқ билан дунёга машҳурдир. Бу дарaxт 30 ёш 10 йилда етқиб пилиди. Ёғоқнинг пусти кўкминтир зайтун рангида бўлади. Бир дона ҳосилнинг оғирлиги 10—15 килограмм, айримлариники 25 килограммгача боради.

Утмишда сейшал ёғоғи бахт рамзи ҳисобланган. Материаллари Р. Шредер номидаги илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, сабзавот ва полиз экинлари илмий текшириш институтининг мутахассислари, шунингдек билимдон кишилар масъафалари асосида Саъдулла ШОДИЕВ тайёрлади.



Муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

**ТИЖОРAT ЖАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**  
**АЗИЗ ҚИЗЛАРИ!**  
АГАР ОЛДИНГИЗДА ҚАСБ ТАНЛАШ МУАММОСИ ТУРГАН БУЛСА БИЗНИНГ ҲУЗУРИМИЗГА,  
Тошкент «Тўқимачилик комбинати»  
ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасининг  
ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА  
**ЎҚИШГА КЕЛИНГИ!**

Бу ерда сиз малакали қасб эгаси бўлиб етишасиз ва юқори ҳақ туланидиган ишга ўрнашасиз. Бизнинг комбинатимиз — мустақил шаҳарча бўлиб, унда ҳамма нарса: тиббий-санитария қисми, поликлиника, сийхатгоҳ, спорт мажмуи, Маданият саройи, ошхоналар, сабзавот ва озик-овқат дўконлари, буг ҳақимоллари билан маънавий комплекслар, хушрўйпарварлик салонлари, сартарошхоналар муҳайё. Комбинатда танқис моллар, озик-овқат маҳсулотлари сотилади. Тошкент денгизи соҳилларида ва тоғ ён бағрида катталар ва болалар учун дам олиш масканлари бор. Мазмурият бог ҳовдлари, шахсий қурилушлар олиб бориладиган ер участкалари сотиб олиш учун энг қулай шарт-шароитларини яратиб берган.

Келгусида қутиладиган ана шундай истиқбол манзаралари Сизни озми-қўпми қизқитириб қолган бўлса, ўқиш, ишлаш ва меҳнатга ҳақ тўлаш тартиблари билан танишиб чиқинг. 8 ой давомида Сиз тўқувчи; текислаш, айлантириш, эшиш ускуналарининг оператори; йиғирувчи касбларини эғаллаб чиқасиз. Дастлабки икки ой давомида назарий таълим курси ўзлаштирилади. Ана шу даврда ўқувчилар ойига 1000 сўмдан стипендия олади. Икки ойдан кейин қорхонада ишлаб чиқариш таълими бошланади. Бутун ўқиш давомида (дастлабки икки ойдан-ташқари) ўқувчиларга 100 фоиз миқдорда иш ҳақи тўланади. Уқувчиларнинг бутун ўқиш давридаги умумий иш ҳақи ойига стипендия билан бирга 1500 сўмдан 5000 сўмгача маблагини ташкил этади. Уқувчиларга ҳар бир иш кунини 15 сўмдан тушлик овқат пули берилади.

Ўқиш тугагандан сўнг бевосита комбинатдан иш берилади. Асосий касблардан ишчиларнинг иш ҳақи ойига 3000 сўмдан 7000 сўмгача ва ундан ҳам юқори бўлиши мумкин. Сиз шаҳар атрофидаги районларда яшайсизми? Ундай бўлса ишга ва ишдан уйга қатнашга хизмат транспортидан фойдаланишингиз мумкин.

Бизнинг қорхонамиз Юқори Чирчиқ, Чиноз, Янгийўл, Қибрай, Ўрта Чирчиқ районларига доимий автобус қатновларини йўлга қўйган. Ўқишга расмийлаштириш масалалари юзасидан қўйиладиган манзилда жойлашган кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин: Қўшбеги кўчаси, 6-уй.  
33, 34, 45, 69, 79, 182-автобуслар; 2, 6, 13, 16-троллейбуслар; 7, 9, 11, 24, 28-трамвайлар билан «Тўқимачилик комбинати» бекатигача борилади.  
Телефонлар: 53-97-09, 53-18-72, 53-97-05, 55-44-85, 55-44-96.

Ижарадаги Тошкент «Тўқимачилик комбинати» ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси.

**ТАШКИЛОТЛАР, КОРХОНАЛАР ВА КООПЕРАТИВЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**  
**«ШАРҚ» НАШРИЁТ МАТБАА КОНЦЕРНИ**  
Идора китоблари, ҳар хил ён дафтарчалар, китобча ҳолига келтирилган босма иш қоғозлари, консептлар ёзиш учун дафтарлар ва бошқа қоғоз маҳсулотларини  
**ТАЙЕРЛАБ БЕРАДИ ВА СОТАДИ**  
Маҳсулотлар олдиндан ҳақ тўлаш шартларида ва нақд пулга сотилади. Қўйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Ленинград кўчаси, «Шарқ» нашриёт матбаачилик концернининг хизмат биноси.  
Маълумотлар олиш учун телефонлар: 33-58-72, 33-50-75, 33-84-78, 33-80-07, 33-90-50.

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ**  
**ХАЛҚАРО ЭЛЕКТР АЛОҚАСИ УЮШМАСИНИНГ ТОПШИРИГИГА БИНОАН**  
2-3 йиллик муҳлат билан Женева шаҳрида ишлаш учун  
Инглиз тилидан таржима бўлимининг ходими бўш лавозимига  
**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНЛИГИНИ БИЛДИРАДИ**  
Танловда электр алоқаси ёки бошқа радиотехника ихтисослари соҳасида олий маълумотга ёки ҳозирги замон тили соҳасида тўрт йиллик техникавий матнлар таржимасига тенг келадиган даражада етарлича амалий иш тажрибасига эга бўлган, инглиз тилидан ташқари француз ва испан тилларини билладиган, 50 ёшгача бўлган олий маълумотли эркак ва аёллар қатнашишлари мумкин.  
1992 йил 30 декабрда Тошкент шаҳридаги 33-66-52 рақамли мулоқот телефони бўйича мурожаат қилиш мумкин.

**ТАШКИЛОТ**  
**ҚУЙИДАГИ УСКУНАЛАРНИ СОТАДИ**  
Олдиндан сувтилган, яхлатилган ва тез бузиладиган озик-овқат маҳсулотлари (гўшт, балик, сут, қатқиб, мева, сабзавот ва ҳоказоларни), шунингдек, тиббий дори-дармонларни ташкил қилган «Ташкилот» шассесидаги ОДА3-47093 рефрижераторли автомобил ва ОДА3-4709 изотермик (ҳароратни бирдай сақлайдиган) автомобил. Ташкилот ОДА3-4709 да — 5,5 тонна; қузовининг саҳни — 10,35 квадрат метр, ҳажми — 19,72 куб метр. ЗИЛ-645 автомобилнинг двигатели (дизели). «Термо-Кинг» фирмаси (АҚШ)нинг сувутиш қурilmаси.  
**МАНЗИЛИМИЗ. 700099, Тошкент шаҳри, Амр Темури кўчаси, 118-уй, 607-хона.**  
**ТЕЛЕФОНЛАР: (3712) 34-25-81, 34-66-44.**

Тошкент шаҳар Акмал Икромов район Ҳокимининг иқроия маҳаласи ва жомеа ташкилотлари район Хотин-қизлар кенгашининг раиси, Уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши ҳайъати аъзоси, «Шарқ юлдузи» маҳалла қўмитасининг раиси О. И. Умархўжаева турмуш ўртоғи  
Мариям Шунурович КУЧҚОРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия издор қилади.  
Тошкент шаҳар Акмал Икромов районидеги 394-«Ором» болалар богчаси жомеаси шу богча мудираси Гулнора Кўчқоровага отаси  
Мариям КУЧҚОРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия издор қилади.

**МУАССИСЛАР:** Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшони» журналистларининг жамоваси  
**МАНЗИЛГОҲИМИЗ:** 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.  
Шанба ва яқшанбадан ташқари ҳар кунини ўзбек тилида чиқади.  
**ТОШКЕНТ ОҚШОМИ**  
ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76, хатлар — 33-29-70, 32-53-79; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-53-34, 33-56-67.  
Эълонлар ва тижорат хабарлари ёниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларини берган ташкилот ва шахслар зиммасидир.  
Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмаҳонаси.